

## ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнида Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 22752,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 7,4 % га ўсди.

2018 йил 2-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 9191,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 5,6 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Тошкент шаҳрининг кўшган хиссаси 14,9 % ни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2017 йил январь-июнга нисбатан % да
	2017 йил январь-июнь	2018 йил январь-июнь	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>17504,7</b>	<b>22752,7</b>	<b>107,4</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	15379,2	20272,4	107,3
Маҳсулотларга соф солиқлар	2125,5	2480,3	107,9
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>15379,2</b>	<b>20272,4</b>	<b>107,3</b>
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5676,9	8172,4	107,2
саноат	4430,3	6376,0	106,2
қурилиш	1246,6	1796,4	110,9
Хизматлар	9702,3	12099,9	107,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3325,1	4104,2	101,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	2438,6	3117,3	117,2
бошқа хизмат тармоқлари	3938,5	4878,5	106,1

Ҳудуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, саноат тармоғининг ўсиш сурати – 106,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши- 31,5 %), қурилиш – 110,9 % (8,9 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,5 % (20,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 117,2 % (15,4 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 106,1 % (24,0 %) ни ташкил этди.

### 2018 йил январь-июнда ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




### иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 89,1 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 10,9 % ини ташкил этди.


Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғи ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 40,4 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши эса 59,6 % ни ташкил этди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 йил январь-июнь**



**2018 йил январь-июнь**



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 20,2 % ни (2017 йил 21,6 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 15,4 % ни (15,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 24,0 % ни (25,6 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2017 йил  
январь-июнь**



**2018 йил  
январь-июнь**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси  
Статистика фаолиятини ташкил этиш  
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими  
Нашр учун масъул:  
Ш.Хайназаров  
Тел: (0371) 230-88-08